



## AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Issue 05 | pp. 186-195 | ISSN: 2181-1865  
Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

### ТРАНСПОРТ ТАШКИЛОТЛАРИДА УЗОҚ МУДДАТЛИ АКТИВЛАР БЎЙИЧА ҲИСОБ СИЁСАТИНИ ШАКЛАНТИРИШНИНГ УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ



**Хужаев Салимжон Содикович,**  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
мустакаб изланувчиши (PhD)  
[salimbekpaxlavon@mail.ru](mailto:salimbekpaxlavon@mail.ru)

**Аннотация:** Мазкур мақолада узоқ муддатли активлар бўйича ҳисоб сиёсатининг муҳим жиҳатлари ва уларнинг корхонанинг молиявий барқарорлигига бўлган таъсири ўрганилган. Изланишлар натижалари бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** узоқ муддатли активлар, ҳисоб сиёсати, амортизация, баҳолаш усуслари, молиявий ҳисоботлар, шаффофлик, молиявий барқарорлик, активларнинг қиймати.

### МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ФОРМИРОВАНИЯ УЧЕТНОЙ ПОЛИТИКИ ПО ДОЛГОСРОЧНЫМ АКТИВАМ В ТРАНСПОРТНЫХ ОРГАНИЗАЦИЯХ

**Хужаев Салимжон Содикович,**  
Независимый исследователь (PhD) Ташкентского государственного  
экономического университета  
[salimbekpaxlavon@mail.ru](mailto:salimbekpaxlavon@mail.ru)

**Аннотация:** В данной статье были рассмотрены важные аспекты учетной политики по долгосрочным активам и их влияние на финансовую устойчивость компаний. По результатам исследований даны научные предложения и практические рекомендации.

**Ключевые слова:** долгосрочные активы, учетная политика, амортизация, методы оценки, финансовые отчеты, прозрачность, финансовая устойчивость, стоимость активов.

### METHODOLOGICAL ASPECTS OF FORMATION OF ACCOUNTING POLICIES FOR LONG-TERM ASSETS IN TRANSPORT ORGANIZATIONS

**Khujaev Salimjon Sodikovich,**  
Independent researcher (PhD) Tashkent State University of Economics  
[salimbekpaxlavon@mail.ru](mailto:salimbekpaxlavon@mail.ru)

**Annotation:** This article explores the important aspects of accounting policy for long-term assets and their impact on the financial stability of the company. Scientific recommendations and practical suggestions are provided based on the findings of the analysis.

**Key words:** long-term assets, accounting policy, depreciation, evaluation methods, financial statements, transparency, financial stability, asset value.

## Кириш

Ҳар қандай компаниянинг молиявий барқарорлиги ва самарадорлиги унинг активлари билан боғлиқ ҳисоб сиёсатига боғлиқ. Узоқ муддатли активлар эса, компаниянинг стратегик ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг тўғри баҳоланиши ва ҳисобга олиниши молиявий ҳисботларнинг аниқлигини таъминлайди. Узоқ муддатли активлар кўпинча компаниянинг асосий воситалари, инвестициялар, интеллектуал мулк ҳуқуқлари каби ресурсларни ўз ичига олади. Мазкур мақолада биз узоқ муддатли активлар бўйича ҳисоб сиёсатининг асосий хусусиятлари, унинг аҳамияти ва амалий татбиқини кўриб чиқамиз.

Амалга ошиб келаётган барча амалий ишлар натижаси ўлароқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январда «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармонининг қабул қилиниши, темир йўл транспорти тармоғида бажарилиши шарт бўлган устувор вазифаларнинг белгиланиб қўйилиши юқоридаги гапларнинг исботидир. Ушбу Тараққиёт стратегиясининг 73.4-бандида «Ўзбекистон темир йўллари» Акциядорлик жамиятини ривожлантириш билан боғлиқ вазифалар кўрсатиб ўтилган.

Тараққиёт стратегиясининг айнан 3-устувор йўналиши миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини замон талабларига мос таъминлашда кейинги 5 йил учун темир йўл транспортини ривожлантириш чоратадбиrlаридан бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 октябрда имзоланган «Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти соҳасини тубдан ислоҳ қилиш чора тадбирлари тўғрисида»ги 329-Қарорининг қабул қилиниши транспорт соҳасида бажарилиши керак бўлган бир қатор вазифаларни белгилаб берди. Ушбу Қарорда темир йўл транспортини ривожлантириш жараёни босқичма-босқич кўрсатиб берилган.

## Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Узоқ муддатли активлар бўйича ҳисоб сиёсатини тўғри йўлга қўйиш компаниянинг молиявий барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Бу мавзуда бир қатор мутахассислар томонидан турли ёндашувлар ва усуllар ишлаб чиқилган. Масалан, М. Навой ва Ш. Исматовнинг (2020) тадқиқотларида узоқ муддатли активларни баҳолаш усуllари ва уларнинг амортизацияси бўйича комплекс таҳлиллар келтирилган. Улар ўз ишларида активларнинг реал қийматини аниқлаш учун фойдали моделларни таклиф қиласидилар [3].

Шунингдек, Б. Турсунов ва А. Юнусованинг (2019) ишларида узоқ муддатли активларнинг турли категориялари, уларнинг баҳоланиши ва ҳисобга олиниши

бўйича тавсиялар берилган. Улар ҳисоб сиёсатини шаффоффлик ва адолатлилик тамойилларини қўллаш муҳимлигини тъкидлайдилар [4].

К. Б. Уразов (1 14, 12-23-6.) узоқ муддатли активлар ҳисобини а) асосий воситалар, б) номоддий активлар, в) капитал қўйилмалар ва г) молиявий қўйилмаларга бўлиб ёритади [7].

М. Султоновнинг (2018) илмий тадқиқотлари узоқ муддатли активлар амортизациясининг турли усуllibарини қиёслаш ва уларнинг молиявий ҳисботлардаги таъсирини ўрганишга бағишиланган. У ўз ишида компаниялар учун энг самарали амортизация усуllibарини танлаш бўйича қўлланмалар беради [5].

Хорижий адабиётлар орасида, Д. Вилсоннинг (2017) "Financial Accounting and Reporting" асарида узоқ муддатли активларнинг баҳоланиши ва ҳисобга олиниши бўйича халқаро стандартлар муфассал баён этилган. Ушбу китобда келтирилган тавсиялар халқаро компаниялар учун муҳим қўлланма вазифасини ўтайди [6].

Умуман олганда, мазкур адабиётлар узоқ муддатли активлар бўйича ҳисоб сиёсатини шакллантириш ва такомиллаштиришда қимматли ахборот ва тавсиялар манбаи бўлиб хизмат қиласи.

### **Тадқиқот методикаси**

Мақолада тизимли ёндашув, таҳлил ва синтез, қиёсий таҳлил, гуруҳлаш, индукция ва дедукция, мантиқий хulosалаш, статистик маълумотларни таққослаш ва бошқа усуllibар қўлланилган.

### **Таҳлил ва натижалар**

Узоқ муддатли активлар компаниянинг молиявий ҳолатини аниқлаш ва баҳолашда муҳим аҳамият касб этади. Улар компаниянинг асосий воситалари, инвестициялар ва интеллектуал мулк каби элементларни ўз ичига олади. Узоқ муддатли активларнинг баҳоланиши ва ҳисобга олиниши бўйича қабул қилинган ҳисоб сиёсати компаниянинг молиявий ҳисботларига сезиларли таъсири кўрсатади. Мазкур таҳлилда биз узоқ муддатли активларни баҳолаш, амортизация қилиш ва ҳисобга олиш бўйича турли ёндашувлар ва уларнинг компания молиявий натижаларига таъсирини кўриб чиқамиз.

Узоқ муддатли активларни баҳолашда икки асосий ёндашув мавжуд: тарихий қиймат ва реал қиймат. Тарихий қиймат усулида активлар уларнинг сотиб олинган ёки қурилган вақтидаги қиймати бўйича баҳоланади ва бу қиймат узоқ муддат давомида ўзгартирилмайди. Бу усулининг афзаллиги ҳисботларда аниқ ва ишончли маълумотларни сақлаб қолиш бўлса-да, унинг камчилиги инфляция ва бозор шароитларининг ўзгариши натижасида активлар қийматининг реал ҳолатини акс эттираслигидир. Реал қиймат усули эса активларнинг бозор қийматини инобатга олиб баҳолайди, бу эса компаниянинг активларини тўғрироқ баҳолаш имконини беради. Аммо бу усулининг қўлланилиши кўпроқ малака ва маълумотларни талаб қиласи.

Амортизация сиёсати ҳам узоқ муддатли активларнинг баҳоланишига катта таъсири кўрсатади. Амортизация активнинг хизмат муддати давомида унинг қийматини тадрижан тушириб боришни англатади. Амортизациянинг турли усуllibар мавжуд, масалан, тўғри чизиқли усул, қийматнинг тез кўпайиши ёки тез пасайиши усуllibari. Тўғри чизиқли амортизация усулида активнинг қиймати

йилдан-йилга тенг улушларда туширилади, бу эса ҳисоботларнинг соддалигини таъминлайди. Тез пасайиш усули эса активнинг қийматини тезроқ тушириб боришни қўзда тутади, бу эса фойдаланишнинг дастлабки йилларида қўпроқ харажатларни ҳисобга олишни таъминлайди.

Узоқ муддатли активларни баҳолаш ва амортизация қилишда шаффоффлик ваadolatliilik тамойилларига амал қилиш муҳим. Ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар компаниянинг молиявий натижаларига таъсир қилиши мумкин, шунинг учун уларни шаффофф тарзда амалга ошириш ва манфаатдор томонларга тўғри ахборот бериш зарур.

Ушбу таҳлилдан кўриниб турибдики, узоқ муддатли активлар бўйича ҳисоб сиёсати компаниянинг молиявий ҳисоботларига ва молиявий ҳолатига катта таъсир кўрсатади. Шу сабабли, компаниялар ўз ҳисоб сиёсатини танлашда диққат билан ёндашишлари ва тўғри усусларни қўллашлари лозим.

Ахборот тизимлари ва ахборот технологиялари корхона бошқарув тизимининг функционал қисмини ташкил этиб функционал бошқарув вазифаларини ҳал этишни амалга оширади. Корхона ахборот тизимининг бошқарув функциялари бошқарув фаолиятининг нисбатан алоҳида соҳаларидир. Унда асосий ва қўллаб-қувватловчи функциялар мавжуд. Асосий функциялар корхонани шакллантириш ва ривожлантириш стратегиясини амалга оширишга қаратилган бўлиб уларни амалга ошириш учун шароит яратишидир. Афзалликларни тоифалаш орқали тарқалиш схемасидан афзаллик функциялари самарадорлигини баҳолаш ва ечимларни топиш учун фойдаланилади.

Мулкий ҳолатни баҳолашда фойдаланиладиган ахборотлар тўплами:

баҳолаш обьектига оид ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатларни;

баҳолаш обьектига оид бухгалтерия ҳисоби ва ҳисбот маълумотларини;

баҳолаш обьектининг тузилиши, баҳоланаётган ҳуқуқлар таркиби ва мазкур ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжатлар ҳақидаги маълумотларни;

баҳолаш обьектига оид қўшимча юкламалар ҳақидаги маълумотларни;

баҳолаш обьектидан фойдаланишга чекловларни;

баҳолаш обьекти ва унинг таркибий қисмларининг техник тавсифини;

баҳолаш обьекти мансуб бўлган бозорнинг ҳолати ва динамикаси ҳақидаги ахборотни;

бошқа хил ахборотни олиш ва ўрганишни ўз ичига олади.

Қуйидагилар баҳолаш обьектини баҳолашда буюртмачи ёки унинг вакили тақдим этадиган дастлабки ахборот ҳисобланади:

хусусийлаштирилаётган корхоналар (акциялар, улушлар, пайлар) учун:

юридик шахснинг амалдаги устави ёки таъсис шартномаси, акциядорлар реестридан кўчирма (реестр сақловчининг маълумотномаси);

шўъба ва тобе жамиятлар ҳақида ахборот, уларга оид ҳуқуқни белгиловчи ва молиявий ҳужжатлар;

охирги уч йил учун ва охирги ҳисббот санасига қадар бўлган ҳолатга кўра

бухгалтерия баланслари ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисбботларни ўз ичига олувчи бухгалтерия ҳисоби ва ҳисббот маълумотлари, баланс моддаларига изоҳлар;

асосий воситалар, номоддий активлар ва узоқ муддатли қўйилмалар рўйхати;

йилдан кам бўлмаган муддатга мўлжалланган корхонанинг ривожланиш режаси;

участкадаги ердан фойдаланиш хуқукини тасдиқловчи ҳужжатлар, шу жумладан участканинг худудий чегараси ҳақида маълумотлар (геодезик план/чизма ёки ер участкасининг у жойлашган ер кўрсатилган ва тавсифланган хариталари нусхалари, ер участкасини ажратиш тўғрисида қарор);

бинолар ва иншоотларга оид кадастр ҳужжатлари;

баҳолаш обьектидан фойдаланишга оид қўшимча юкламалар ва чекловлар, шу жумладан узоқ муддатли ижара мавжудлиги ҳақида маълумотлар (ваколатли орган маълумотномаси);

охирги ҳисобот йили учун аудитор хулосаси (агар аудиторлик текшируви ўтказилган бўлса).

Кўчмас мулк учун:

участкадаги ердан фойдаланиш хуқукини тасдиқловчи ҳужжатлар, шу жумладан участканинг худудий чегараси ҳақида маълумотлар (геодезик план/чизма ёки ер участкасининг у жойлашган ер кўрсатилган ва тавсифланган хариталари нусхалари, ер участкасини ажратиш тўғрисида қарор);

бинолар ва иншоотларнинг кадастр ҳужжатлари;

узоқ муддатли ижара шартномалари мавжудлиги ҳақида маълумотлар (ваколатли орган маълумотномаси);

бинолар ва иншоотлар микдори ва техник ҳолати, қўкаламзорлар, худудни ободонлаштириш ва муҳандислик коммуникациялари ҳақида ахборот;

баҳолаш обьекти таркибида баҳоланиши лозим бўлган мулк ҳақида маълумотлар;

баҳоланиши лозим бўлган мулкнинг бошланғич ва қолдиқ (баланс) қийматлари;

корхона (эмитент)дан жорий фойдаланиш ҳақида ахборот.

Дастлабки ахборотдан ташқари баҳоловчи корхона фаолияти билан боғлиқ таваккалчиликлар, баҳоланаётган корхона ва тармоқ корхоналари акцияларининг котировкалари ва акциялар курсларининг ўзгаришлари, акциядорлар ўртасида акцияларнинг тақсимланиши, акцияларнинг акциядорлар ўртасида тақсимланиши, ўхшаш мулк бўйича битимлар, ўхшаш мулкни ижарага беришнинг бозор ставкалари ҳақида қўшимча ахборотни йиғади ва таҳлил қиласи.

Йиғиладиган ахборотнинг хусусияти ва ҳажмини баҳоловчи баҳолаш ҳақидаги вазифага, баҳолаш обьектининг хусусиятлари ва баҳолаш натижаларининг қўлланилишига қараб белгилайди.

Буюртмачи ёки унинг вакили тақдим этган ахборот (шу жумладан маълумотномалар, жадваллар, бухгалтерия баланслари), шунингдек баҳоловчининг ўзи бевосита йиғтан ахборот шу ахборотни тақдим этган ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ҳолдагина ишончли деб хисобланади.

Баҳоловчи, агар тақдим этилган ахборот ҳажми ва сифати 8-сон МБМС (Мулкни баҳолаш миллий стандарти) талабларига мувофиқ баҳолашни амалга

ошириш ва баҳолаш ҳақида ҳисобот тайёрлаш учун етарли бўлмаса, баҳолаш ишларини бажаришдан бош тортиш ҳуқуқига эга.

Баҳолашни ўтказиш вақтида баҳоловчи олган барча ахборот ва хужжатлардан махфийлик шароитида, қонунчилик талабларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланилиши лозим.

Йигилган ахборот асосида баҳоловчи томонидан баҳолаш обьектига мансуб бўлган бозор ва тармоқ ҳамда молиявий ҳисобот таҳлил қилинади, шунингдек зарур ҳолда унга тузатиш киритилади. Бунда, тузатилган ҳисоботдан фақат баҳолаш ҳақидаги вазифада назарда тутилган мақсадларда фойдаланилади.

#### Ахборотни ошкор этишга қўйиладиган талаблар

Баҳолаш жараёнида фойдаланилган ахборотни баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда ошкор этиш шундай амалга оширилиши лозимки, баҳолаш ҳақидаги ҳисоботдан фойдаланувчилар баҳолаш жараёни мантиғини ва баҳолаш обьектининг қийматини аниқлаш учун баҳоловчи кўрган чораларни тушуна олсинлар.

Баҳолаш жараёнида қўлланилган барча ахборот ошкор этилиши лозим, махфий хусусиятга эга бўлган ахборот бундан мустасно. Махфий ахборотни баҳоловчи фақат буюртмачи ва (ёки) мазкур ахборотни тақдим этган шахслар билан келишган ҳолда ёки суднинг тегишли қарорига биноан ошкор этади. Фойдаланилаётган ахборотнинг махфийлик даражаси буюртмачи ва (ёки) мазкур ахборотни тақдим этувчи ёки унга бевосита алоқадор бўлган шахслар томонидан белгиланади.

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда барча фаразлар ва чекловчи шартларнинг моҳияти, шунингдек, ахборотни ошкор этишга қўйиладиган ҳар қандай талаблар очиб берилади.

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботта мазкур стандартга ва қабул қилинган бошқа мулкни баҳолаш стандартларига риоя қилинганилиги ҳақидаги баёнот киритилиши, стандартларнинг талабларидан ҳар қандай четга чиқиши кўрсатилиши ва бундай четга чиқишига изоҳ берилиши лозим.

Баҳолаш обьектининг 8-сон МБМС талабларига мувофиқ тузилган баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда кўрсатилган яқуний қийматидан, агар баҳолаш ҳақидаги ҳисобот тузилган санадан баҳолаш обьектини хусусийлаштириш мақсадида унинг бошланғич нархи тайинланган санагача 6 ойдан ортиқ вақт ўтмаган бўлса, хусусийлаштириш мақсадида фойдаланилиши мумкин.

Баҳолаш ўтган (баҳолашни амалга ошириш санасига мос келмайдиган) санага қадар бўлган ҳолатга кўра амалга оширилган тақдирда, баҳолаш обьектининг қиймати ҳақидаги хулоса баҳолаш амалга оширилган санадагина ҳақиқий бўлади.

Корхонанинг 2020-2022 йиллардаги кўрсаткичларидан фойдаланган ҳолда корхонанинг ҳажм кўрсаткичларини динамикасини кўришимиз мумкин.

#### 1-жадвал

#### Ўзтемириўлконтейнер корхонасининг ҳажм кўрсаткичлари<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Ҳажм кўрсаткичлари асосида Муаллиф томонидан тайёрланган

Кўрсаткичлар	2020	2021	2022	Йилларнинг бир-бирига мутлоқ фарқи	
				2021 йил 2020 йилга нисбатан	2022 йил 2021 йилга нисбатан
Контеинерларда юкларни юклаш, минг тонна	951,5	1127,9	1 134,0	176,4	6,1
Юклаш ва тушириш ишларининг умумий ҳажми, минг тонна	1 254,90	1 256,1	1 603,5	1,2	347,4
Автомобилларни ўртacha кунлик тушириш, вагон	245	227	260	-18	33
Кунлик ўртacha юк тасиши, вагон	98	141	157	43	16
Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш, минг сўм	216513,7	230954	242 064	14440,3	11110

Мазкур 1-жадвалдаги 2020-2022 йиллардаги маълумотлардан кўришимиз мумкинки, «Ўзтемирийўлконтейнер» корхонаси йиллар сайин ўз фаолияти бўйича юқори кўрсаткичларга эга бўлиб келган. 2021 йилдаги маълумотларни 2020 йилдаги кўрсаткичлар билан солиширганда корхона (Ўзтемирийўлконтейнер) автомобилларни ўртacha кунлик тушириш кўрсаткичида салбий -18 вагон натижани ифодалаган, юклаш ва тушириш ишларининг умумий ҳажми 2021 йилда 2020 йилга нисбатан ошган ва

1,2 минг тонна натижা акс эттирган. 2021- йилдаги натижаларни 2022 йилдаги маълумотлар билан солиширадиган бўлсам, корхона (Ўзтемирийўлконтейнер) охирги давларда аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш фаолияти 11110 минг сўм натижা билан ифодаланган. 2022 йилда корхонанинг (Ўзтемирийўлконтейнер) ривожланиши яхшиланганлиги сабабли барча кўрсаткичлар ижобий натижадаги маълумотларга эга бўлган.

Корхонанинг 2020-2022 йиллардаги иш унумдорлиги, иш ҳақи фонди, контингентлар ва шу каби кўрсаткичларни таҳлил қилганимизни 2-жадвалда кўриш мумкин.

## 2-жадвал

### Ўзтемирийўлконтейнер корхонасининг контингентлар кўрсаткичлари<sup>2</sup>

Кўрсаткичлар	2020	2021	2022	Йилларнинг бир-бирига мутлоқ фарқи

<sup>2</sup> Иқтисодий кўрсаткичлар асосида муаллиф томонидан тайёрланган

				2021 йил 2020 йилга нисбатан	2022 йил 2021 йилга нисбатан
Контингент-жами, киши	542	570	585	28	15
Шу жумладан.	84	98	96	14	-2
Иш унумдорлиги, 1 киши/тонна	14 940	12 818	16 703	-2122	3885
Иш ҳақи фонди, минг сўм	20 006 914	32 282 341	44 122 584	12275427	11840243
Ўртача ойлик иш ҳақи, минг сўм	3 076 094	4 719 640	6 285 268	1643546	1565628

Юқоридаги 2-жадвалда қайд этилган 2020-2022 йиллар маълумотларидан кўришимиз мумкинки, «Ўзтемирийўлконтейнер» корхонаси йиллар сайин контингентлар бўйича ўсиш кўрсаткичларини ифодалаган. 2021 йилдаги ўсиш кўрсаткичи 2022 йилда эришилган кўрсаткичдан юқори натижани ифодалаган. 2021 йилда корхонанинг (Ўзтемирийўлконтейнер) иш унумдорлиги салбий -2 122 натижа билан ифодаланган бўлишига қарамай, иш ҳақи фонди ижобий 12 275 427 минг сўм натижани акс эттирган. Корхона (Ўзтемирийўлконтейнер) 2022 йилнинг кўрсаткичларини 2021 йилга солиштирганда иш унумдорлиги 3885 натижага ҳамда иш ҳақи фонди 11840243 минг сўм натижа билан ижобий кўрсаткичга эга бўлган. Ўртача ойлик иш ҳақи йиллар ўтишига қарамай, ижобий натижани ифодалаган ва ўсиб борган.

Корхонанинг 2020-2022 йиллардаги иқтисодий ва молиявий ҳолатида юзага келган ўзгаришларни (корхона даромади, харажати, фойдаси, иқтисодий самарадорлигини ҳамда экспорт қилиган маҳсулотларини) 3-жадвалда акс эттиришимиз мумкин. Ушбу жадвалда 2020-2022 йилларнинг маълумотлари шуни кўрсатмоқдаки, «Ўзтемирийўлконтейнер» корхонаси йиллар сайин корхонанинг даромади ошиб борган. Шунга қарамай корхонанинг (Ўзтемирийўлконтейнер) харажатлари ҳам ошиб борган. Корхонанинг даромади, 2022 йилда 2021 йилга нисбатан 67 960 314 минг сўм кўрсаткич билан юқори натижани ифодалаган. Корхонанинг даромад ошгани билан бирга унинг харажатлари ҳам 2022 йилда 2021 йилга нисбатан 48 567 049 минг сўмга ошган. Корхонанинг (Ўзтемирийўлконтейнер) иқтисодий самарадорлиги 2020-2021-2022 йилларда йиллар сайин салбий натижани ифодалаб борган. 2022 йилда 2021 йилга нисбатан -77% кўрсаткични акс эттириди. Корхонанинг (Ўзтемирийўлконтейнер) иқтисодий самарадорлиги салбий натижани

бергани билан, экспорт соҳасида 2022 йилда 2021 йилга нисбатан 543,5 минг АҚШ \$ да ошган натижаларни акс эттирган.

### 3-жадвал

#### Ўзтемириўлконтейнер корхонасининг молиявий кўрсаткичлари<sup>3</sup>

Кўрсаткичлар	2020	2021	2022	Йилларнинг бир-бирига мутлақ фарқи	
				2021 йил 2020йилга нисбатан	2022 йил 2021 йилга нисбатан
Даромад, Минг сўм	193 195 653	199 205 381	267 165 695	6 009 728	67 960 314
Харажатлар, Минг сўм	58 706 475	62 877 854	111 444 903	4 171 379	48 567 049
Фойда, Минг сўм	134 489 178	136 327 527	155 720 792	1 838 349	19 393 265
Иқтисодий самарадорлик, %	229	217	140	-12	-77
Экспорт, Минг АҚШ \$	5 080,50	5161,4	5 703,9	80,9	542,5

#### Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи мақсадлари учун корхона активларини эътироф этиш асосида динамик бухгалтерия баланси концепцияси ётиши керак. Активларни назорат қилиш даражаси эгалик қилиш юридик ҳукуки билан чегараланиши керак. Активларга эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳукуқига эга бўлган корхоналар улар томонидан тўлиқ назорат олиб борилгандагина балансда акс эттирилиши мумкин.

Узоқ муддатли активлар бўйича ҳисоб сиёсати ҳар қандай компаниянинг молиявий барқарорлиги ва самарадорлигини таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Мазкур мақолада узоқ муддатли активларни баҳолаш ва амортизация қилиш усуслари ҳамда уларнинг компаниянинг молиявий ҳисботларига таъсири ўрганилди. Тарихий қиймат ва реал қиймат усуслари, шунингдек, амортизациянинг турли усуслари компаниянинг молиявий натижаларини қандай шакллантириши таҳлил қилинди.

Узоқ муддатли активларни баҳолашда тарихий қиймат усулидан фойдаланиш ҳисботларнинг аниқ ва ишончли бўлишини таъминлайди, лекин бозор шароитлари ва инфляция ўзгаришларини инобатта олмайди. Реал қиймат усули эса активларнинг бозор қийматини аниқроқ акс эттирса-да, қўлланилиши қўпроқ малака ва ресурсларни талаб қиласди.

<sup>3</sup> Молиявий кўрсаткичлар асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Амортизация усулларининг тўғри танланиши ҳам компаниянинг молиявий натижаларига сезиларли таъсир кўрсатади. Тўғри чизиқли амортизация содалиги билан ажралиб турса, тез пасайиш усули активларнинг дастлабки йилларда кўпроқ харажатларини ҳисобга олишни таъминлайди.

Ҳисоб сиёсатининг шафоф ва адолатли бўлиши компаниянинг ишончлилигини оширади ва манфаатдор томонларга тўғри ахборот беришни таъминлайди. Шу сабабли, компаниялар ўз ҳисоб сиёсатини танлашда ва ишлаб чиқишида диққатли ва масъулиятли бўлишлари зарур.

Умуман олганда, узоқ муддатли активлар бўйича ҳисоб сиёсатининг тўғри ташкил этилиши ва қўлланилиши компаниянинг молиявий ҳисоботларининг аниқлиги ва ишончлилигига, шунингдек, унинг умумий молиявий барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги “2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сон фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти соҳасини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 329-сонли қарори.

3. Навоӣ, М., Исматов, Ш. (2020). Узоқ муддатли активларни баҳолаш усуллари ва амортизацияси.

4. Турсунов, Б., Юнусова, А. (2019). Узоқ муддатли активларнинг турли категориялари.

5. Султонов, М. (2018). Узоқ муддатли активлар амортизацияси усуллари.

6. Wilson, D. (2017). Financial Accounting and Reporting.

7. Уразов.К.Б., Пўлатов.М.Е. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. – Т.: Инновацион ривожланиш, 2020.

8. Калонов М.Б. Корхоналарда даромадлар ва харажатлар ҳисоби ҳамда таҳдили методологиясини такомиллаштириш. /Иқт.фанл.докт. (ДСс)дисс. автореф. – Т.: 2019.

9. Ибрагимов А.К. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби, аудити ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархини аниқлашни такомиллаштириш: Иқт.фанл.докт.дисс. автореф. – Т.: Ўз.Р.БМА. 2002

10. Хасанов Б.А., Ҳашимов А.А. Бошқарув ҳисоби. Дарслик. – Т.: Чўлпон, 2013.-312б.

11. Темирханова М.Ж. Туризм корхоналарида ҳисоб сиёсатини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари // «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2018 йил.

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

